**Жорий ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА**
**ШАРТНОМА № 40**

« 8 » сентябр 2022 йил. Фарғона тумани.

ООО Fergana Trionova building (кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбар Б.Абдухамидов бир томондан ва Фарғона тумани 2-Ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб интернати (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбар А.Бобохонов иккинчи томондан ушбу шартномани куйидаги мазмунда тuздилар:

## 1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

1.1. «Бажарувчи» буюртмага асосан куйида кўрсатилган (спецификация ёки хисоб-фактурада кўрсатилган) хизматларни бажариб бериш, «Буюртмачи» эса бажарилган хизматларни кабул килиб олиш ва хисоб-китоб килиш мажбуриятларини

олади:______________________________________________________________**жорий таъмирлаш**

.

## 2. ТАЪМИНОТ ШАРТЛАРИ.

2.1. «Бажарувчи» хизматларни «Буюртмачи» буюртмасини олгандан сўнг 30 кун муддат ичида, буюртмада белгиланган хажмда амалга оширади.

2.2. «Буюртмачи» бажарилган хизматларни кабул килган вакт хизмат бажарилган вакти бўлиб хисобланади.

2.3. Бажарилган хизматлар «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда кабул килиб олингандан сўнг, хизматларга эгалик хукуки «Буюртмачи»га ўтади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

3.1. «Буюртмачи» бажарилган хизматларни белгиланган вактга кадар 30 кун муддат ичида «Бажарувчи»га хизмат учун буюртмани куйидагиларни кўрсатган холда таклим этади:

- бажарилиши керак бўлган хизматлар микдори;
- хизматлар сифати;
- хизматлар ассортименти.

3.2. Бажарилиши керак бўлган хизматлар ассортименти, микдори хамда таъминот муддатларини «Буюртмачи» мустакил равишда, ушбу шартноманинг тузилиши учун асос бўлган танлов (тендер) савдоси ташкил этиш комиссияси баённомасида кўрсатилган ёки комиссия томонидан кўйилган шартлардан келиб чиккан холда белгилайди.

3.3. «Бажарувчи» томонидан хизматлар бажарилмай колганда, бажарилмаган микдордаги хизматни, кун муддат ичида ёки «Буюртмачи» билан келишилган холда, шартнома амал килиш муддатида, кейинги етказиб берилиши кўзда тутилган махсулотларга кўшиб етказиб бериш мажбуриятини олади.

3.4. «Бажарувчи» томонидан бажариш муддатлари ўтказиб юборилган хизматларни «Буюртмачи» уни огохлантирган холда кабул килмаслик хукукига эга.

3.5. «Бажарувчи» томонидан бажарилган хизматлар сифати талабга жавоб бермаслик холатларида «Буюртмачи» куйидаги талабларни кўйиш хукукига эга:

- харид нархларини (бажарилган сифатсиз хизматлар киймати билан сифатли хизматлар киймати ўртасидаги фаркига) камайтириш.
- сифатсиз хизматларни «Бажарувчи» хисобидан сифатли хизматларга кун муддатда бажариб бериш.

3.6. Агар «Бажарувчи» ушбу шартномада белгиланган микдордаги хизматни бажармаса ёки «Буюртмачи»нинг сифатсиз хизматларни алмаштириб бериш хакидаги талабларини белгиланган муддатларда бажармаса «Буюртмачи» шартномани бекор килиш хукукига эга.

## 4. ХИЗМАТЛАР БАХОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

4.1. Шартноманинг умумий киймати 498000754(Тўрт юз тўксон саккиз миллион етти юз эллик тўрт ) сўм ташкил этади.

4.2. Хизматлар учун тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.3.Буюртмачи шартнома умумий суммасининг 30% ни аванс тарикасида шартнома тўлик кучга кирган кундан бошлаб 25 банк иш куни мобайнида, колган 70 % яъни белгиланган ишлар ва хизматлар тўлик бажарилгандан сўнг, бажарилган иш ва хизматлар тўгрисида бажарилган ишни кабул килиш далолатномаси ёки хисоб фактура кабул килган кунидан бошлаб, 25 банк иш куни давомида бажарувчининг банк хисоб ракамига ўтказиб беради.

4.4.Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида етказиб берилган ёки бажарилган иш ва хизматлар учун белгиланган нархлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Бажарувчи» зиммасидан копланади.

4.5. Шартнома суммасидан ортик иш ва хизматлар бажарилганда («Буюртмачи» огохсиз бажарилганда) хисоб-китоб «Буюртмачи» томонидан амалга оширилмайди.

## 5. ХИЗМАТЛАР СИФАТИ.

5.1. «Бажарувчи» бажариладиган хизматларнинг талаб ва стандартларга мос келишини кафолатлайди.

Scanned by TapScanner

## 6. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ.

6.1. Бажарилган хизматни қабул қилишда «Буюртмачи» уни миқдори, сифати, ассортименти ва рўйхатини «Бажарувчи» томонидан бажарилган хизмат амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжат (хисоб-фактура), ушбу шартнома хамда буюртмадаги келтирилган маълумотларга мослиги асосида текшириб олади.

6.2. Хизматларни қабул қилиш якуни бўйича «Буюртмачи» қабул қилиш далолатномаси тузади. «Буюртмачи» томонидан Далолатноманинг имзоланиши қабул қилинаётган хизматнинг текширилганлигини билдиради.

## 7. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

7.1. «Бажарувчи» хизматларни бажаришда шартноманинг 2.1-бўлимида белгиланган шартларни бузганда, яъни хизматларни бажариш муддатларини кечиктириб юборса, тўлиқ бажармаса, «Бажарувчи» «Буюртмачи»га кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ортмаслиги керак.

7.2. «Бажарувчи» томонидан бажарилган хизматларга оид тўлов ва хизмат амалга оширилганлиги тўғрисидаги бошқа хужжатлар ўз вақтида, яъни хизмат билан бирга «Буюртмачи»га тақдим этилмаса, хар бир холат учун бажарилаётган хизматлар қийматининг 1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7.3. «Бажарувчи» томонидан хизматлар ўз вақтида ва белгиланган талаблар асосида бажарилганда «Буюртмачи» уларни асоссиз равишда қабул қилмаса, қабул қилинмаган хизматнинг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7.4. Бажарилган хизматлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида тўловлар амалга оширилмаса, яъни ушбу шартноманинг 4.4-бўлими бузилганда, тўлов кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, лекин тўланадиган пенялар умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизи миқдоридан ошиб кетмаслиги керак.

## 8. ФОРС-МАЖОР.

8.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган холатлар «Зилзила, сув тошқини, шу каби бошқа холатларда хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари», агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

8.2. Юқоридаги холатлар юзасидан дарҳол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

## 9. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

9.1. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун хужжатларида белгиланган тартибда хўжалик судида кўриб чиқилади.

## 10. БОШҚА ШАРТЛАР.

10.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб «_31_» декабр 2022йилгача амал қилади.

10.2. Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар тарафларнинг келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади ва имзоланади.

10.3. Шартнома Газначилик бўлинмаси томонидан рўйхатдан ўтганидан сўнг тўлиқ кучга эга деб хисобланади.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

| «БАЖАРУВЧИ» | «БУЮРТМАЧИ» |
|---|---|
| ООО Fergana Trionova building | Фарғона тумани 2-ИДУМИ |
| (етказиб берувчи номи) | (бюджет ташкилотининг номи) |
| Манзил: Фарғона шахар Халқлар дўстлиги кўчаси | Манзил Чимён қишлоғи |
| Тел/факс 99897-595-44-49 | Тел/факс 99897-815-85-25 |
| х/р 20208000905084514001 | ш/хв100021860302337092300075001 |
| Капитал банк Фарғона филиали | ОКОНХ 92310 |
| МФО 01043 ИНН 306471984 | Молия вазирлиги Газначилиги |
| ОКОНХ | Марказий банк Тошкент ш |
| | ХККМ МФО 00014 |
| | х/р 23402000300100001010 |
| | ИНН 201122919 |
| Рахбар: _____ Б.Абдуханнонов | Рахбар: _____ А.Бобохонов |

HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
YURIST: _____ N.ISAKOV

## ХУҚУҚИЙ ХУЛОСА

1. Мен ушбу шартнома лойиҳасида тарафларнинг муносабатлари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни ва бошқа қонунлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинганлигини;

2. Шартнома лойиҳасида унинг предмети, тарафларнинг мажбуриятлари шартнома суммаси, муддатлар, мулкий жавобгарлик, низоларни ҳал қилиш тартиби ва бошқа қоидалар шунингдек тарафларни давлат рўйхатидан ўтганлиги, мансаблор шахсларни шартномани имзолаш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда банк реквизитлари тўлиқ ва тўғри бўлиб, улар тўлов қобилиятига эга эканлиги шартнома лойиҳасини қонунчилик ҳужжатларига мос келишлигини аниқладим.

Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунининг 21-моддасига асосланиб хулоса қиламан.

Ушбу шартнома [illegible] рига мос келади ва уни имзолаш мумкин.

HUQUQIY EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI

YURIST: ____________

_______________________________

ҳуқуқшунос

«ТАСДИКЛАЙМАН»

Фарғона тумани 2-Ихтисослаштирилган

умумий ўрта таълим мактаб интернати

директори А.Бобохонов

08.09.2022 йил

**Фарғона тумани 2-Ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб интернати бюджет маблағларни самарали сарфлаш учун 2-Ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш учун қўйилган эълон тўғрисида йиғилиш**

БАЁННОМАСИ № 1

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси: | А.Бобохонов |
| Аъзолари: | |
| Бош хисобчи : | З.Мўйдинова |
| Ошпаз: | Ш.Ваққосов |
| ММИБДЎ: | Д.Ойхўжаев |
| Касаба уюшма раиси : | Н.Илмиддинов |
| Хужалик ишлари бўйича директор ўринбосари : | С.Мухаммедов |

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидларитугрисида»ги 2021йил 22 апрелдаги №-684-сон Конунининг 62-моддаси 7 чи хат боши бунда голиб давлат буюртмачиси томонидан энг яхши таклифларни танлаб олиш йули билан танлаш ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштиргандан сунг, танлов голиби аниқлангандан сўнг 2 кунлик мухокамада хеч қандай шикоят ва этирозлар келиб тушмаган тақдирда амалга оширилади.

Фарғона тумани 2-Ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб интернатига таклиф билан мурожаат қилган ташкилотлар:

**OOO FERGANA TRIONOVA BUILDING** х/k

Мазкур танлов бўйича Фарғона тумани 2-Ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш учун қўйилган

Scanned by TapScanner

танлов бўйича таклифлар тақдим этилди.Ушбу тижорат таклифи бўйича танлов ўтказиш тўғрисида танлов комиссияси раиси А.Бобохонов сўз олди.У ўз сўзида кун тартибидаги масала юзасидан гапириб,танловда иштирок этган хусусий тадбиркорлар таклифлари билан батафсил танишиб чикиб,энг маъкул ғолиб аникланганлиги ва 2 кун давомида мухокамада бўлганлиги хеч кандай эътироз шикоятлар келиб тушмаганлигини таъкидлаб ўтди. Комиссия аъзолари ўз фикр ва хулосаларини атрофлича ўрганиб чикиб,комиссия аъзолари ўз фикр ва мулохазаларини билдирдилар. 22.04.2021 йилдаги ЎРҚ 684- сон 62-моддаси талабларига асосан юкоридаги масалаларини атрофлича ўрганиб чикиб,танлов комиссияси.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1.Танлов комиссиясига тақдим қилинган тижорат таклифларини сифати ва нархи юзасидан батафсил ўрганиб чикиб **ООО FERGANA TRIONOVA BUILDING** фирмасининг Фарғона тумани 2-Ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб интернати биносини жорий таъмирлаш учун 498 000 754 сўмга тижорат таклифи маъкул деб топилсин ва шартнома тузилсин.

2.Шартнома умумий суммаси 498 000 754 (Тўрт юз тўксон саккиз миллион етти юз эллик тўрт ) сўмни ташкил этади. 100022860302337092300075001 шх/вдан тўланади.

3.Ажратилган маблағлар доирасида тегишли шартнома имзоланиб Фарғона тумани бўйича Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилсин.

Комиссия раиси: А.Бобохонов

Аъзолари:

Бош хисобчи : З.Мўйдинова

Ошпаз: Ш.Вақкосов

ММИБДЎ: Д.Ойхўжаев

Касаба уюшма раиси : Н.Илмиддинов

Хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари : С.Мухаммедов

Scanned by TapScanner